

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2018  
октябрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

## Аниқ ва табиий фанлар

## МАТЕМАТИКА

**А.МАДРАХИМОВ, С.КУКИЕВА**

Тартибли статистикаларнинг чегаравий хоссалари ..... 5

## ФИЗИКА, ТЕХНИКА

**А.ДЖУРАЕВ, Р.Х.МАКСУДОВ, Ш.ШУХРАТОВ**

Пахта тозалагич кўп қиррали тебранувчи колосникларнинг параметрларини асослаш ..... 8

**А.АБДУКАДИРОВ, Г.АКРАМОВА**

Ностационар уч фазали фильтрациянинг чегаравий масалалари сонли ечимининг математик моделлари ..... 13

**С.АБДУРАХМОНОВ, И.БИЛОЛОВ**

Замонавий электрон таълим ресурсларини яратиш бўйича тавсиялар ..... 17

## КИМЁ

**М.АХМАДАЛИЕВ, И.АСҚАРОВ**

Фурфурол асосидаги товар маҳсулотларини халқ хўжалигидаги аҳамияти (обзор) ..... 22

**М.ИМОМОВА, Б.АБДУГАНИЕВ**

Мотор мойларини кимёвий таркиб бўйича тўғри таснифлашда инфрақизил спектрометрни метрологик аттестатлаш дастури асосида текширишнинг аҳамияти ..... 26

**Ш.ТУРҒУНБОЕВ, Р.РАХМОНБЕРДИЕВА***Aconitum leucostomum* ўсимлигининг сувда эрувчан полисахаридлари ..... 29

## БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

**М.НАЗАРОВ**

Ховузларда балиқчиликни ривожлантириш учун табиий озукा базасидан фойдаланишининг аҳамияти ..... 32

## ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

**О.С.БЕЗУГЛОВА, Г.ЮЛДАШЕВ, М.Т.ИСАГАЛИЕВ**

Қатор касалликларнинг педобиогеокимёвий асослари ..... 35

**Ғ.ЮЛДАШЕВ, У.МИРЗАЕВ**

Суфориладиган арзиқ – шохли тупроқларнинг антропоген омил таъсиридаги эволюцияси ..... 40

## Ижтимоий-гуманитар фанлар

## ИҚТИСОДИЁТ

**А.ҮРИНОВ**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш орқали аҳоли бандлигини ошириш ..... 44

**З.ТОЖИБОЕВ**

Иқтисодий ривожланишининг турли босқичларида табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти ҳамда экологик иқтисодиётнинг роли ва ўзаро муносабатлари тўғрисида ..... 48

**К.КУНДУЗОВА**

Суѓурта ташкилотларида аудитнинг ўзига хос хусусиятлари ..... 53

## ТАРИХ

**Қ.РАЖАБОВ**

Шоир Ҳамзанинг сирли ўлимига оид мuloҳазалар ..... 59

**О.МАҲМУДОВ**

Ali boroni-ми ёки Alberinius? Нюанс: ал-Беруний асарларининг вропадаги дастлабки таржималарига оид айrim мuloҳазалар ..... 64

**Б.МИРЗАДЖАНОВ**

Туркистонда большевиклар кадрлар тайёрлаш механизмининг шаклланиши ..... 69

**Н.ИСРОИЛОВ**

Амир Темур ва Тўхтамишон муносабатлари Люсъен Кэрэн талқинида ..... 73

**Г.СЕЙДАМЕТОВА**

1960-1970 йилларда Қорақалпогистонда шаҳарлар ва шаҳар аҳолисининг шаклланиши тарихига назар ..... 76

## СУГУРТА ТАШКИЛОТЛАРИДА АУДИТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**К.Кундузова**

**Аннотация**

**Мақолада сугурта ташкилотларини аудитдан ўтказиш тартиби ҳамда унинг бошқа ташкилотларда ўтказишдаги фарқли жиҳатлари ёритилган.**

**Аннотация**

**В статье освещен порядок проведения аудита страховых компаний и его отличительные особенности от порядка проведения аудита в других организациях.**

**Annotation**

**This article highlights the issues of audit of insurance companies and its distinctive features in the audit in other organizations.**

**Таянч сўз ва иборалар:** сугурта, аудит, аудитор, режалаштириш, сугурта мукофоти, сугурта қопламаси, таваккалчилик, қайта сугурталаш, сугурта заҳиралари, молиявий натижалар.

**Ключевые слова и выражения:** страхование, аудит, аудитор, планирование, страховая премия, страховые выплаты, риск, перестрахование, страховые резервы, финансовые результаты.

**Keywords and expressions:** insurance, audit, auditor, planning, insurance premium, insurance payment, risk, reinsurance, financial results.

Буғунги кунга келиб мамлакатимизда бозор иқтисодиёти қонуниятларига аста—секин ўта бошланди. Бозор иқтисодиётининг самарали ишлашини ва унинг ривожланганлик даражасини белгиловчи асосий омиллардан бири инфратузилма шакларидир. Бозор иқтисодиёти инфратузилмасининг ажралмас таркибий қисмларидан бири сугурта соҳаси ҳисобланади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки, сугурта соҳаси иқтисодиёт ривожланишининг бир маромда боришини таъминловчи соҳалардан биридир. Бундан ташқари, сугурта иқтисодиётнинг ривожланиши учун салмоқли инвестиция капиталини жамлаштирувчи ва иқтисодиётга киритувчи стратегик аҳамиятга эга бўғинлардан бири сифатида намоён бўлади. Шуни эътиборга олган ҳолда, мамлакатимизда сугурта соҳасининг ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Сугурта фаолиятининг ривожланиши ҳисоб ва аудитнинг тўғри ташкил этилишига бевосита боғлиқдир. Сугуртачининг молиявий таназзули кўплаб сугурта қилдирувчиларнинг манфаатларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам сугурта фаолияти ҳисоби ва аудитининг асосий эътибори сугурта ташкилотининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, молия-хўжалик фаолиятининг амалдаги қонунчиликка мос келиши, шунингдек, фаолиятнинг молиявий ҳисоб-китобларини тўғри олиб боришга қаратилган. Сугурта ташкилотлари замонавий жамиятнинг асосий бўғинлари бўлиб, жамиядада фаолият курсатаётган барча юридик ҳамда жисмоний

шахслар тадбиркорлик фаоллигининг самарали бўлишини таъминлайди. Сугурта ташкилотлари жамиядада ижтимоий-иқтисодий ҳолатни мувофиқлаштиришга ёрдам беради. Сугурта ташкилотларининг барқарор ривожланишига эса аудиторлик назорат ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 10- моддасига кўра, сугурта ташкилотлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак.

Агарда сугурта ташкилотлари белгиланган муддатларда мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаса ёки уни ўтказицдан бўйин товласа, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига мажбурий аудиторлик текширувини ўтказмаган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ўз вақтида чоралар кўриш ва мажбурий аудиторлик текширувининг ўтказилишидан бўйин товлаган хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан кўлланиладиган молиявий санкциялар белгилашни таъминлаш назарда тутилган [1].

Сугурта ташкилотларини аудитдан ўтказицда аудитни тўғри режалаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддаси “Аудитни режалаштириш” ва аудиторлик фаолияти миллий стандартларининг №3 “Аудитни режалаштириш” талабларига кўра, аудитни режалаштириш фаолият хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда қуйидагича режалаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди:

К.И.Кундузова - ФарПИ, доцент.

**Суғурта ташкилотида аудиторлик текшируви ўтказишнинг намунавий режаси**

Аудит ўтказиладиган ташкилот : "NAZORAT-AUDIT" МЧЖ  
 Текшириладиган ташкилот: "ЎЗАГРОСУҒУРТА"АЖ  
 Аудит даври, киши-соатлар миқдори: 704 киши-соат  
 Аудиторлик гурухининг раҳбари: Баходир Нематович Назаров  
 Аудиторлик гурухининг таркиби: И.К.Азизов, П.Р.Каримов, Н.Д.Имомназаров  
 Режалаштирилган аудиторлик риски: 3,8%.  
 Режалаштирилган жиддийлик даражаси: 3857899 сўм.

№	Режалаштирилган ишлар	Ўтказиш даври (кун)	Масъул (бажарувчи)	Эслатма
1	Таъсис хужоатлари мавжудлиги, тўлиқ ва ўз вақтида устав капитали шакллантирилганлиги, лицензия мавжуд лигини аудитдан ўтказиш	1	аудиторлик ташкилоти ходими	
2	Бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши ва ҳисоб сиёсати аудити	2	аудиторлик ташкилоти ходими	
3	Асосий воситалар ва номоддий активлар аудити	1	аудиторлик ташкилоти ходими	
4	Товар-моддий заҳиралар аудити (№1000- материаллар ҳисоби)	1	аудиторлик ташкилоти ходими	
5	Молиявий қўйилма маблағлари аудити (№5800- капитал қўйилмалар ҳисоби)	1	аудиторлик ташкилоти ходими	
6	Пул маблағлари аудити (№5000- касса, №5100-ҳисоб-китоб ҳисоби №5500-банцдаги маҳсус ҳисоб)	2	аудиторлик ташкилоти ходими	
7	Ҳисоб –китблар аудити (№6040-Суғурталанувчиларга тўланадиган счётлар ҳисоби №6050-Суғурта агентлари ва брокерларига тўланадиган счётлар ҳисоби №6060- Қайта суғурта қилиш бўйича олинган рисклар бўйича тўланадиган счётлар ҳисоби №6070- Қайта суғурта қилишга берилган рисклар бўйича тўланадиган счётлар, № 6090- Қайта суғурта қилишга оид комиссион рафбатлантириш, тантемалар ва йигимлар бўйича тўланадиган счётлар ҳисоби №6400-Бюджет билан ҳисоблашувлар ҳисоби №6500-Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисоби №6700-Мехнат ва унга ҳақ тўлаш ҳисоби).	3	аудиторлик ташкилоти ходими	
8	Суғурталаш, биргалиқда суғурталаш ва кайта суғурталаш шартномалари ва уларни амалдаги қонунчилик талаблари ҳамда суғурталаш шартномаларини расмийлаштириш қоидаларига жавоб берилиши аудити	2	аудиторлик ташкилоти ходими	
9	Суғурталаш, биргалиқда суғурталаш, кайта суғурталаш шартномалари бўйича суғурта тўловлари (қопламалари)нинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ҳисоб –китоб аудити).	3	аудиторлик ташкилоти ходими	
10	Суғурталаш ва кайта суғурталаш мукофотлари ва қопламаларини бухгалтерия ҳамда солик ҳисобида акс этирилиши аудити (№2200 Суғурталаш, биргалиқда суғурталаш ва қайта суғурталаш бўйича суғурта қопламалари ҳисоби №4030- Суғурталанувчилардан олинадиган ҳисоби №4040-Суғурта агентлари ва брокерларидан олинадиган ҳисоби).	3	аудиторлик ташкилоти ходими	
11	Суғурта заҳираларининг шаклланиси ҳисоб- китблари ва ҳисоботи аудити (№8000- 8090-Суғурта заҳиралари ҳисоби, №8110-Ишлаб топилмаган мукофотлар заҳирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши ҳисоби №8120- Хабар қилинган, лекин бартараф этилмаган заарлар заҳирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши ҳисоби №8130- Содир бўлган, лекин хабар қилинмаган заарлар заҳирасидаги қайта суғурталовчиларнинг улуши ҳисоби №8140- Ҳаёт суғуртаси бўйича заҳирадаги қайта суғурталовчиларнинг улуши ҳисоби).	3	аудиторлик ташкилоти ходими	
12	Умум ишлаб чиқарыш харажатлари аудити	1	аудиторлик ташкилоти ходими	
13	Бошка даромадлар аудити (№9070- Қайта суғурта қилиш ва ретроцессияга берилган рисклар бўйича заарлар улушкининг қопланиши бўйича даромадлар ҳисоби, №9080- Қайта суғурта қилишга оид комиссион рафбатлантиришлар, тантемалар ва йигимлар бўйича даромадлар ҳисоби №9090- Сюрвеер ва аджастер хизматларини кўрсатишдан даромадлар ҳисоби).	1	аудиторлик ташкилоти ходими	
14	Бошқа харажатлар аудити	1	аудиторлик ташкилоти ходими	

Аудиторлик ташкилоти номидан –  
 аудиторлик хуносасини имзолаш ҳуқуқига эга раҳбар  
 Аудиторлик гурухининг раҳбари

ИМЗО  
ИМЗО

## ИҚТИСОДИЁТ

Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти миллый стандартларининг №3 “Аудитни режалаштириш” стандарти талабларига кўра, суурта ташкилотларини аудитдан ўtkазишнинг умумий режаси тузилаётганда аудитор қуидагиларни эътибор олиш керак:

- а) аудитдан ўtkазилаётган юридик шахс фаолияти;
- б) бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими;
- в) таваккалчилик;
- г) фаолият характеристи ва бажариладиган иш ҳажми;
- д) бажариладиган иш йуналиши, жорий назорат ва бажарилишини текшириш;
- е) бошка аспектлар.

Аудит режалаштирилгандан сўнг, аудиторлик ташкилоти ходимлари ва ташқаридан жалб этилган эксперталар, яъни мутахассислардан иборат ишчи гурӯх шакллантирилади [2].

Аудит текширувни ўtkазиш жараёнида аудиторлар ва жалб этилган мутахассислар режа асосида маҳсус стандартда белгиланган шаклда хужжатларни расмийлаштирадилар ҳамда белгиланган муддатларда ўtkazilgan текшируv натижалари бўйича иш ҳисоботларни тузадилар. Иш натижалари бўйича олинган ахборот ва аудиторлик далиллари қофоз ва электрон шаклда тақдим этилади.

Текшируv натижалари таҳлили қуидаги тартибда расмийлаштирилади:

- мижоз томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсатининг умумий ҳолати;
- алоҳида бўлимлар бўйича ва счетларда ҳисобнинг тўғри юритилиши;
- солиқ қонунчилигига риоя этилиши;
- мижознинг молиявий аҳволи;
- аудиторлик текшируvi натижалари бўйича аудиторлик ҳисоботи ва хulosасини расмийлаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти стандартларининг №70- “Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хulosаси” ва ички хўжалик стандарти – “Аудиторлик текшируvi натижалари бўйича ҳисоботни шакллантириш” талабларига мувофиқ расмийлаштирилади [2]. Аудиторлик текшируvi натижалари бўйича ҳисобот ишчи хужжатларда акс эттирилади, аудиторлик дастурининг ҳар бир бўлими бўйича

аудиторларнинг хulosса ва таклифлари асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунига кўра, суурталовчиларнинг йил якуни буйича ҳисобот маълумотлари аудитор текширувидан ўtkaziliб, уларнинг ҳаққонийлиги аудитор томонидан тасдиқланади ва ушбу маълумотлар асосида суурталовчилар фаолиятига баҳо бериш имконияти яратилгандан сўнгина, бухгалтерия ҳисоботи эълон қилинади.

Суурта ташкилотларини аудитдан ўtkazish жараёнида турли хўжалик тармоқларидағи юридик шахсларга хос бўлган умумий масалаларни текшириш билан бирга, факат суурта ташкилотларига хос бўлган маҳсус операциялар текширилади.

Умумий масалаларга асосий фондлар, товар-моддий бойликлар ва номоддий активлар бўйича операцияларни текшириш, шунингдек, меҳнат қонунчилигига риоя қилиш ва иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар, ҳисоб-тўлов ва касса операциялари, дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳамда бошқа операциялар киради.

Сууртачиларнинг ушбу операциялари ва ҳисоб-китобларини назорат қилиш бошқа фаолият соҳаларидағи хўжалик субъектларини шунга ўхшаш текширувларидан деярли фарқ қилмайди, чунки ҳар икки ҳолатда ҳам текширишда бир хил меъёрий хужжатларга асосланади.

Суурта ташкилотлари фаолиятини аудит қилишнинг маҳсус томонлари суурта операцияларининг ўзига хос хусусиятлари (маҳсус суурта қонунчилиги асосида), бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш тартиби, молиявий натижаларни аниқлаш ва солиқ тўлашдаги фарқлари билан белгиланади.

Суурталанувчиларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, аудитор томонидан суурта ташкилотларида қонун хужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш тартиби, суурта шартномаларини расмийлаштириш, суурта мукофотларини ҳисобга олиш, ҳисоб варагалари, суурта (резервлар) заҳира ҳисоб-китоблари ҳамда суурта копламаларини ҳисоблаш ва уларни ҳисоб рақамларда акс эттириш тартиби текширилади ва бир вақтнинг ўзида суурта операциялари масалалари ўрганилиб, солиқقا

тортиш ҳам назорат қилинади ва хulosалар берилади.

Суғурта ташкилотларининг аудити таъсис ҳужжатларининг мавжудлиги ва давлат рўйхатига олинганилиги ҳақида гувоҳнома билан бошланади [3].

Аудитор текширув чоғида барча таъсисчилар қонунчиликка мувофиқ ўз улушларини устав капиталига ўз вақтида ва тўғри ҳамда тўлиқ кўшганликларини аниқлаши керак.

Устав капиталига таъсисчилар томонидан улушларни қўшиш муддатларига риоя қилинишини ва тўлиқлигини текширишда аудитор куйидагиларга эътибор бериши лозим:

- устав капиталининг тўлиқ шаклланганилиги;
- таъсисчилар ҳақиқатда қўшган улушларининг таъсис ҳужжатларида белгиланган шартларга мослиги;
- таъсисчилар томонидан устав капиталига улушларни қўшишда қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида белгиланган муддатларга риоя қилиниши.

Устав капиталининг шаклланишини текшириш чоғида текширилаётган корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳам эътиборга олиниши зарур. Суғурта ташкилотлари уставга киритилган ўзгартиришлар тўғрисида суғурта назорати органини хабардор қилиши шарт. Агар бу амалга ошмаган бўлса, суғурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳисобланниб, суғурта қилувчига кўзда тутилган санкциялар қўлланилиши мумкин. Аудиторлар компания раҳбариятига суғурта фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг оқибатлари ҳақида огоҳлантиришлари керак.

Суғурта ташкилотларининг фаолияти бошқа хўжалик юритувчи субъектларининг фаолиятидан кескин фарқ қиласди. Шу сабабли, уларнинг фаолияти лицензияланади. Лицензия суғурталовчига ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ёхуд умумий суғурта соҳасида суғурта фаолиятини амалга ошириш учун берилади. Суғурта фаолияти фақат маҳсус рухсатнома (лицензия) бўлган тақдирда кўриб чиқилиши мумкин бўлган фаолиятлардан биридир. Шунинг учун, аудит жараёнида лицензия билан боғлиқ масалаларга катта эътибор берилади.

Лицензия вақтинчалик бўлса, унда унинг амал қилиш муддати аниқланади. Бу ҳолатда аудитор аудиторлик даврида лицензиянинг амал

қилиш муддати тугамаганлигини текшириши керак.

Аудитда суғурта шартномаларининг мазмунини ва рўйхатга олинишини текшириш муҳим ўрин тутади. Бундай ҳолларда тузилган шартномаларнинг амалдаги қонунчилик талабларига, суғурта қонунлари ва суғурта қоидаларига мувофиқлилиги аниқланади.

Аввало, суғурта шартномаларининг номлари ва лицензиядаги иловада келтирилган суғурта турларга мувофиқ келиши керак. Агар шартноманинг номи, суғурта турларидан бирортасига тўғри келмаса, у ҳолда аудитор бу суғурта компанияси суғурта қонунчилигининг бузганлигини кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, маълум бир шартномада кўзда тутилган суғурта шартларини суғурта назорати органи томонидан тасдиқланган суғурта қоидалари билан солишириш керак. Агарда, лицензияланган қоидалар ва тарифлар чегарасидан ташқарида тузилган суғурта шартномаси мавжуд бўлса, уаудитор томонидан ҳақиқий эмас деб топилади.

Суғурта ташкилотлари ўз амалиётида, одатда, стандарт шартномалардан фойдаланади, яъни, шартноманинг матни олдиндан тайёрланган ва маълум шартларни белгилаш учун бўш жой қолдирилган бўлади. Бироқ, текширувлар шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда шартномаларда ушбу бўш жойларнинг баъзилари тўлдирилмайди ёки чизик қўйилади. Ушбу бепарволик шартномани имзоланмаган, деб эътироф этишга олиб келиши мумкин, чунки бу ҳолда битимнинг муҳим шарти тўғрисида келишувга эришилмайди. Одатда суғурта шартномасини тузиш учун асос бўлиб келгусида суғурта қилдирувчининг ёзма аризаси ҳисобланади. Шунинг учун, аудитнинг кейинги босқичида суғурталанган шахснинг суғурта шартномасини тузиш асосини ифодаловчи ҳужжат ёки бошқа ҳужжат мавжудлиги текширилиши зарур.

Суғурта суммасининг миқдорини аниқлашнинг тўғрилигини текширишда суғурта қиймати суғурта шартномасини тузиш вақтида мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслигига эътибор қаратилади [3].

Суғурта мукофотларини ҳисоблашнинг тўғрилигини назорат қилиш суғурта суммасини тариф ставкаси миқдорига кўпайтириш йўли билан амалга оширилади. Ушбу тарифдан фойдаланиш шаклини ҳисобга олган ҳолда қонунийлигини эътиборга олиш муҳимдир. Шунингдек, суғурта қилинган мол-мулк,

## ИҚТИСОДИЁТ

суғурталанган шахснинг фаолият тури ва суғурта тарифларини тақсимловчи бошқа бир қатор омиллар ҳам кўриб чиқилади.

Суғурта мукофоти миқдори аниқлагандан сўнг, суғурта қилдирувчига уларни тўлаши керак бўлган муддат берилади.

Қонун ҳужжатлари суғуртачилар аҳоли хоҳлаган шаклларда ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин, деб белгиланган.

**Шахсий суғурта шартномаларини тузишда ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Бунда, ўз фойдасига шахсий суғурта шартномаси (бенефициар) тузган шахс мұхимдир. Ушбу шахс суғурталанмаган бўлса, у ҳолда суғуртовчининг ёзма розилиги билан шартнома тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаса, шартнома бекор бўлиши мумкин.**

Бизда ҳали қайта суғурталаш етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли, бу, кўпгина маҳаллий суғурта компаниялари учун мураккабdir. Шунинг учун аудит давомида қайта суғурталаш операцияларини амалга оширишнинг тўғрилигини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ушбу фаолиятни назорат қилиш шакллари асосан қайта суғурталаш бўйича таваккалчиликларни ўрганиш усули билан аниқланади. Эслатиб ўтамиз, бундай трансфер бир марталик, эпизодик ёки узоқ муддатли шартномавий муносабатлар асосида бўлиши мумкин [3].

**Мажбурий қайта суғурталаш қайта суғурталаш шартномаси билан тартиби солинади - томонлар ўртасидаги муносабатларни белгилайдиган ва уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайдиган юридик ҳужжатdir. Ушбу битим тарафлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш ёки ҳакамлик мұхокамасида асосий ҳужжат ҳисобланади.**

Суғурталовчининг суғурта заҳираларини жойлаштиришга қўйиладиган талабларни бажармаслиги унга нисбатан санкцияларни кўлловчи назорат органлари учун асос бўлади.

Суғурталовчининг молиявий барқарорлиги суғурта ташкилоти фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш ва унинг ривожланишини таъминлайдиган активлар ва мажбуриятларнинг мақбул сифатли ва миқдорий ҳолатини сақлаб қолишдан иборат. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлиги асосан тўланган устав капиталининг, суғурта заҳиралари, қайта суғурталаш тизимининг мавжудлиги, шунингдек, суғурта

операцияларининг ўсиши ва оптималь тариф ставкаларини қўллаш ҳисобланади.

Суғурталовчилар молиявий барқарорлигининг асосий белгиси уларнинг тўлов қобилияти ҳисобланади.

Суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини назорат қилишда алоҳида хавф учун максимал жавобгарлик талабларига риоя қилиш ҳамда активлар ва мажбуриятларнинг тартиби наисбати текширилади.

Суғурта компаниясини аудитдан ўтказиш давомида миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари учун умумий масалалар ва муайян операциялар текширилади. Суғурталовчи харажатларининг асосий қисми суғурта қопламалари ҳисобланади, шунинг учун бу тўловларнинг ҳақиқиyllигини текширишга катта эътибор қаратилади. Аудитор топширилган аризалар, суғурта шартлари, суғурта қопламасининг ўз вақтида тўланиши ва бошқаларни текширади [5].

Суғурталовчилар фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари алоҳида маблағлар, заҳиралардан иборат эканлиги сабабли, текшириш вақтида ушбу суғурта заҳираларини жойлаштириш учун шарт-шароитлар бажарилаётганлиги маълум бўлади. Суғурта заҳираларини тўғри ҳисоблаш суғурта ҳодисалари бўйича тўловларни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу суғурта заҳираларининг қаерда ва қай тарзда ишлатилишини, шунингдек, улар суғурта тўловлари ва корхона молиявий барқарорлигига кафолат бера оладими ёки йўқми текширилади.

Суғурта ташкилотларини аудитдан ўтказилган вақтда мажбуриятларнинг аудитини амалга ошириш зарур, чунки текширувнинг айнан ушбу соҳаси суғурта ташкилотлари текширишнинг мажбурий элементи ҳисобланади.

Суғурта ташкилотлари мажбуриятларини аудитдан ўтказишда мажбуриятлар аудитининг дастурини ишлаб чиқишига алоҳида эътибор қаратилмоғи керак. Бизнингча, мажбуриятлар аудитининг дастурини қуйидаги йўналишларда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

1. Суғурта мажбуриятларининг бухгалтерия ҳисоби тизимини ва ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш .

2. Суғурта тўловларини амалга оширишда фуқаролик ва маҳсус қонунчиликка риоя қилинишини текшириш.

3. Суғурталовчининг бухгалтерия ҳисобида суғурта мажбуриятларини тўғри акс эттирилишини текшириш.

4. Суғурта мажбуриятлари қисмида бухгалтерия ҳисоби кўрсаткичларининг тўғри шакллантирилишини текшириш.

Шунингдек, суғурта мажбуриятлари аудитида аналитик жараёнларни амалга оширишга муҳим аҳамият берилади. Уларни тўрт босқичда ўтказиш мақсадга мувофиқ:

1. Суғурта ташкилотининг фаолиятини умумий баҳолаш.

2. Ҳисботда берилган маълумотларни ва суғурта мажбуриятлари ҳажми ҳисобининг мувофиқлиигини текшириш.

3. Суғурта мажбуриятлари ҳажми динамикасининг таҳлили.

4. Суғурта мажбуриятлари аудит дастурини тайёрлаш.

Бунда, суғурта тўловлари аудити жараёнида ўтказиладиган аналитик чоралар ичига суғурта тўловлари таркибининг танқидий таҳлилини, суғурта тўловларининг режадаги кўрсаткичларининг ҳақиқийсидан суғурта турлари кесимида ва тўла суғурта портфели бўйича оғишини баҳолаш, суғурталовчи молиявий барқарорлигининг аналитик кўрсаткичларини ҳисоби киритилмоги керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, суғурта ташкилотлари молиявий фаолиятининг аудитдан ўтказилиши суғурта компаниялари фаолиятининг ишончлилигини таъминлаб, жамиятимизнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб, унинг барқарорлигини таъминлайди, деб айтиш ўринлидир.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли қарори . -Т., 2018 йил, 19 сентябрь.
2. Тулаходжаева М.М., Илҳомов Ш.И., Аҳмаджонов К.И. ва бошқалар. Аудит. Дарслик . -Т.: Норма , 2008.
3. Архангелская Г.А., Асабин С.Н. Суғурта компаниялари аудити. - М : ФинСтатИнформ, 2005.
4. Урланук-Малитский Л.А. Суғурта ташкилотининг тўлов қобилияти. - М.: АНКИЛ, 2004.
5. Газарян А.В., Козлова В.И. Планирование аудиторской проверки // Бухгалтерский учет. - 2005.

(Тақризчи: М.Адҳамов – иқтисод фанлари доктори, профессор).